

**МЕХАНИКА ВА ИНШООТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.T/FM.61.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МЕХАНИКА ВА ИНШООТЛАР  
СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ ИНСТИТУТИ**

**ҲАМДАМОВ МУЗАФФАР МУХИДДИНОВИЧ**

**РЕАКЦИЯГА КИРИШУВЧИ ГАЗЛАР ТУРБУЛЕНТ СТРУЯЛИ  
ОҒИМЛАРИНИНГ СОНЛИ АЛГОРИТМЛАРИ**

01.02.05 – Суюқлик ва газ механикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА  
ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам  
Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)  
on Physical-mathematical Sciences**

**Ҳамдамов Музаффар Мухиддинович**

Реакцияга киришувчи газлар турбулент струяли оқимларининг сонли  
алгоритмлари ..... 3

**Ҳамдамов Музаффар Мухиддинович**

Численные алгоритмы расчета турбулентных струйных течений  
реагирующих газов ..... 21

**Hamdamov Muzaffar Muhiddinovich**

Numerical algorithms for calculating turbulent jet flows of reacting gases .....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....42

**МЕХАНИКА ВА ИНШОТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.Т/ФМ.61.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МЕХАНИКА ВА ИНШОТЛАР  
СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ ИНСТИТУТИ**

**ҲАМДАМОВ МУЗАФФАР МУХИДДИНОВИЧ**

**РЕАКЦИЯГА КИРИШУВЧИ ГАЗЛАР ТУРБУЛЕНТ СТРУЯЛИ  
ОҶИМЛАРИНИНГ СОНЛИ АЛГОРИТМЛАРИ**

01.02.05 – Суюқлик ва газ механикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА  
ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/FM356 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси М.Т.Ўразбоев номидаги Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.instmech.uz](http://www.instmech.uz)) ва "Ziyonet" ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Хўжаев Исматулла Қўшаевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Фатхуллов Алишер Мирзатиллоевич**  
техника фанлари доктори, доцент

**Файзиёв Раббим Алиқулович**  
физика-математика фанлари номзоди, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи DSc.02/30.12.2019.T/FM.61.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "14" "июль" соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент, Дўрмон йўли кўчаси, 33, 1-мажлислар зали. Тел: (99871) 262-71-52; Факс: (99871) 262-71-32, e-mail: [instmech@academy.uz](mailto:instmech@academy.uz)).

Диссертация билан Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (8 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент ш., Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел.: (99871) 262-71-52).

Диссертация автореферати 2021 йил «28» июнь куни тарқатилди.  
(2021 йил «28» июндаги 4 рақамли реестр баённомаси)



*[Handwritten signatures in blue ink]*

**М.М.Мирсаидов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,  
т.ф.д., профессор, ЎзР ФА академиги

**М.К.Усаров**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий  
котиби, ф.-м.ф.д., к.и.х.

**З.М.Маликов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида реакцияга киришувчи муҳитларнинг струяли оқимлари кундалик ҳаётда, иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқишда, ички ёниш камераларида, кимёвий лазерларда, симоб ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда, ракета двигателларида, электр станцияларида ва бошқа кўплаб техника ва ишлаб чиқариш тармоқларида кенг қўлланилади. Ташкил этишда қўйилган мақсад ва газ ёқиш қурилмаси конструкциясига қараб объектни бошқаришда турли муаммолар пайдо бўлади. Жумладан, дунёда энергия балансининг тахминан 70 %ини табиий ва суюлтирилган газ ташкил этади. Газ ёқиш қурилмалари кўрсаткичлари доимо яхшиланиб боришига қарамай, уларнинг фойдали иш коэффициентлари ҳали ҳам жуда паст.

Дунёда, қўлланилиш кўлами ва йўналишларининг ортиб бориши туфайли, реакцияга киришувчи тизимларнинг оқимларини ўрганиш кенг кўламда давом этмоқда. Ёқилғининг ёниш жараёнини турлича ташкил этиш ва уни бошқаришда математик моделлаштириш ва ҳисоблаш тажрибаси муҳим аҳамият касб этади. Адекват қурилган математик модель ва сонли алгоритмлар бугунги кунда объектларни билиш ва бошқариш усулларининг ажралмас қисмларидир. Реакцияга киришувчи оқим системаларини математик моделлаштириш турбулентлик ва кимёвий реакцияларнинг янги моделларининг пайдо бўлиши, самарали сонли усуллар, тезкор ва кучли ҳисоблаш техникаси эвазига тез суратларда ривожланмоқда. Бу имкониятлардан фойдаланиш Навье-Стокс тўлиқ тенгламалари системаси ва унинг соддалаштирилган аналоглари ёрдамида мураккаб иссиқлик ва масса алмашинуви масалаларини муваффақиятли ечишда, хусусан струяли оқимларда газ ёниши масалаларини ҳал этишда қўл келмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида жумладан: «...иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, ... иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш»<sup>1</sup> масалалари келтирилган. Атом ва гидравлик электростанциялари, шамол кучи ва қуёш радиациясидан фойдаланиб электр энергияси ишлаб чиқариш учун полигонлар қуриш ва мавжуд электр станцияларини реконструкция қилиш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, республикаимизда ишлаб чиқарилаётган табиий газнинг 40 %ини истеъмол қилаётган ва ФИК анча паст бўлган маиший ускуналар ва марказлашмаган иссиқлик таъминоти тизимларини такомиллаштириш ҳам муҳимдир. Бу ҳол газ ёқувчи давлатлар учун долзарб ва умумий бўлган муаммодир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Ушбу диссертация иши муайян даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармонида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш" тўғрисидаги 2018 йил 3 октябрдаги ПҚ-2789 сонли Қарорида ва ушбу фаолият соҳасида қабул қилинган бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг IV. "Математика, механика ва информатика" устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Турбулент струяли оқимларининг қонуниятлари ва асосий тушунчалари Г.Н.Абрамович ва унинг шогирдлари (1936, 1940, 1948, 1960, 1974, 1987 йй), Бай - Ши-и (1960), А.А.Вулис ва шогирдлари (1965, 1968), А.А.Гиневский (1969), А.Ферри, В.Заккей, Л.Алпиниери ва бошқаларнинг илмий ишларида ўрганилган. Ю.В.Лапин ва унинг шогирдлари илмий ишларида реакцияга киришувчи газларнинг турбулент струяли оқимлари тадқиқоти натижалари умумлаштирилган. Кўп сонли струя масалаларининг, жумладан термик ва ўрмон ёнғинларига доир масалаларнинг ечимлари Ю.А.Гостинцев, Н.Н.Семёнов ва уларнинг шогирдлари ишларида қаралган. Реакцияга киришувчи газларнинг турбулент струяли оқимларининг айрим муаммолари Л.Г.Лойцянский, И.С.Макаров, Г.Ф.Кнорре, В.К.Баев, Я.Б.Зельдович, Н.И.Акатнов, Л.Ю.Артюх, Е.С.Шчетинков, А.Ю.Снегирев, А.С.Фролов, S.J.Brookes, A.C. Venim, J. V.Mos, T.P.Coffee, Y.H.Chao, K.S.Hui, P.Cheng, K.Y.Chien, C.R.Gollahalli ва бошқалар томонидан ўрганилган. Р.Б.Ахмедов ва шогирдларининг ишлари ёниш қурилмаларини лойиҳалашга бағишланган.

Струяли оқимлар, турбулентлик ва реакцияга киришувчи газлар назариясига ўзбек олимлари ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Суюқликлар ва кўп фазали муҳитларнинг струяли оқимлари ривожланиши А.А.Ҳамидовнинг илмий ишлари билан боғлиқ, Ф.А.Алиев, З.Ш.Жумаев, И.К.Хўжаев ва уларнинг шогирдлари илмий ишларида реакцияга киришувчи газларнинг турбулент оқимларини ҳисоблаш усуллари келтирилган, Қ.Ш.Латипов, Ю.М.Денисов, И.Н.Хусанов, А.М.Арифжонов, А.М.Фатхуллаев, З.М.Маликов ва бошқаларнинг илмий ишларида турбулентликнинг турли моделлари таклиф этилган. Бу соҳаларда кўплаб ишлар қилинишига қарамай, струяли оқимларда ёниш жараёнларини бошқариш масалалари кам ўрганилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги

институтида бажарилган БВ-М-Ф4-001 "Гидродинамика ва машинасозлик муаммоларини математик моделлаштириш асосида тадқиқ этиш ва ечишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш" грант доирасида амалга оширилди.

**Тадқиқотнинг мақсади** газларнинг турбулент струяли оқимлари масалаларини ҳал қилиш учун сонли усуллар ишлаб чиқиш ва уларни кимёвий ўзгаришлар шароитида иссиқлик ва масса алмашилиш жараёнларини ўрганишда қўллашдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

адабиётлар таҳлили асосида газларнинг кимёвий реакцияси ва турбулентлик моделларини ўрганиб чиқиш;

диффузион ёниш муаммосини шакллантириш, уни ечиш учун сонли усуллар ва дастурий таъминотни ишлаб чиқиш;

ўққа нисбатан симметрик йўлдош оқимда чекли тезликда ёниш масаласи учун дастурий таъминот ишлаб чиқиш ва сонли натижалар олиш;

ёқилғи сопловининг радиусига, газ-ҳаво аралашмасининг таркибига ва бошқа омилларга боғлиқ равишда струя ва аланга хусусиятларини ўрганиш.

**Тадқиқот объекти** йўлдош турбулент ҳаво оқимида газни ёқиш жараёнлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети**ни ёниш жараёнига ўққа нисбатан симметрик турбулент струянинг газодинамик кўрсаткичлари ташкил этишди.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида струяли оқимларни математик моделлаштириш, чекли айирмалар, ҳисоблаш тажрибалари ва натижаларни визуаллаштириш усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

Икки хил таркибли газларнинг алоҳида киритилиши ҳолида масалаларни ечишда қўлланадиган Шваб-Зельдович функцияси усули диффузион ёниш, компоненталар орасидаги кимёвий мувозанат ва кимёвий реакциянинг чекли тезлиги моделлари учун умумлаштирилди;

кўп компонентали реакцияга киришувчи газлар турбулент чегаравий катламининг чизиқли бўлмаган тенгламалари сони Шваб-Зельдович функциялари ва Мизес ўзгарувчилари киритиш орқали камайтирилди;

кўп компонентали газларнинг ўққа нисбатан симметрик чегаравий турбулент катлами тенгламаларини чекли ва чексиз тезликларда диффузион ёниш масалаларини ечиш учун сонли усуллар ишлаб чиқилди;

оқим функцияси майдонида олинган натижаларни цилиндрик координаталарда ўзгармас кадам билан ифодалаш усули ишлаб чиқилди;

сонли тажриба йўли билан ёқилғи сопловининг радиуси ва газ-ҳаво аралашмасидаги ёқилғи концентрациясининг камайиши, шунингдек чексиз йўлдош ҳаво оқими ҳароратининг ошиши аланга максимал ҳароратининг камайишига ва ташландиқ газ таркибидаги ёнмай қолган ёқилғи ҳажми ошишига олиб келиши исботланди.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** ёқилғи соплови ўлчами, алоҳида киритилаётган газлар ҳарорати ва газ-ҳаво аралашмасининг таркибини ўзгартириш орқали аланга кўрсаткичларини бошқаришга доир ҳисоблаш тажрибаси услубиятининг яратилгани билан ифодаланади.

**Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги** кимёвий реакция ва турбулентликнинг синалган моделларидан фойдаланилганлиги, қўлланилган сонли усулларда тенгламалар ва чегаравий шартлар аппроксимациясида зарурий аниқлик таъминланганлиги ва айрим натижаларнинг мавжуд тажриба маълумотлари билан солиштирилганлиги орқали таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти струяли оқимда пропан-бутан аралашмасининг чексиз тезликда ва метаннинг чекли тезликда ёниши масалаларини Мизес координаталарида ечишнинг сонли усуллар ва ҳисоблаш алгоритмларининг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти струяли оқимлар масалаларини ечиш учун самарали сонли усуллар яратилгани, Мизес координаталаридан цилиндрик координаталарга ўтиш алгоритми ишлаб чиқилганлиги ва метан-ҳаво аралашмасининг диффузион ёниши учун факторли таҳлил ўтказилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқот жараёнида реакцияга киришувчи газларнинг турбулент струяли оқимларини ҳисоблаш учун ишлаб чиқилган математик моделлар, алгоритмлар ва дастурий воситалар:

«ЁФА-Фтех-2018-13» фундаментал грантини бажариш жараёнида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2021 йил 12 апрелдаги № 2/1255-1011-сонли маълумотномаси). Мизес ўзгарувчилари ва Шваб-Зельдович функцияларини қўллаш натижасида ечиладиган чизиқли бўлмаган дифференциал тенгламалар сони икки мартадан ортиққа қисқартирилди ва аэродинамиканинг мураккаб тенгламалари интегро-дифференциал тенгламаларга олиб келинди.

"Когон иситгич мосламалар" хусусий корхонасида ёқилғини тежовчи қурилмаси ишлаб чиқишда қўлланилган ("Ўзбекистон Миллий Электр тармоқлари" АЖнинг 2021-йил 28-апрелдаги 01-04-28/1483-сон маълумотномаси). Метанга ҳаво қўшиш усулини қўллаш натижасида ёқилғи газнинг 2-5% тежалишига ва назарий жиҳатдан аниқланган соплонинг самарали радиусидан фойдаланиш натижасида 5% ёқилғи газ тежалишига эришилди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий мақола, шу жумладан, 2 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда (3 таси Scopus маълумотлар базасига кирувчи нашрларда) чоп этилган. ЭҲМ учун дастурий маҳсулот қайд этилганлиги ҳақида 3 та гувоҳнома олинган.



**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фани ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, ишнинг янгиликлари, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлик ҳолати ҳамда нашр этилган ишлар ва диссертация ишининг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг "Кимёвий реакцияли оқимларнинг тадқиқотига доир илмий манбалар таҳлили" деб номланган биринчи боби уч параграфдан иборат.

Бобнинг биринчи параграфда газларнинг струяли оқимлари Г.Н.Абрамович, Бай Ши-И, А.А.Вулис, В.П.Кашкаров, Ю.В.Лапин, Ф.А.Алиев, З.Ш.Жумаев, А.С.Фролов, S.J.Brookes, А.С.Benim, J.B.Mos, T.P.Coffee, Y.H.Chao, K.S.Hui, P.Cheng, K.Y.Chien, S.R.Gollahalli ва бошқа кўплаб мутахассисларнинг маълумотлари асосида муҳокама қилинган. Струя оқимларни моделлаштиришда чегаравий қатлам ёндашувидан фойдаланилади. Тезлик, импульс, зичлик, моддалар концентрациялари ва ҳароратининг киришдаги тангенциал узилиши турбулент оқим режимининг ҳосил бўлишига олиб келади. Ясси параллел ва ўққа нисбатан симметрик масалаларда яқка ва йўлдош оқимлар фарқланишади. Ёниш бўлмаган ҳолларда кўп сонли масалалар учун субстанцияларнинг тақсимотига доир формулалар олинган. Бунда асосий эътибор бугунги кунга қадар ривожланишда давом этаётган турбулентлик назариясига қаратилиши лозим.

Иккинчи параграфда газ оқимларида ёниш реакциясининг математик моделлари ривожланиши баён этилган. Ёнишнинг асосий моделлари: Бунзен горелкаси, чекли ва чексиз тезликда диффузион ёниш, кимёвий мувозанат моделлари келтирилган. Брутто-реакция ва радикалларнинг шаклланиши билан кечадиган кўп босқичли реакциялар доирасида ёниш кинетикаси муҳокама этилган. Чекли тезликдаги реакциялар учун Аррениус қонуни ва кимёвий мувозанат тенгламаси тушинтирилган.

Кимёвий трансформациялар билан кечадиган оқимларни математик моделлаштиришнинг асосий муаммоларидан бири  $N$  та компоненталарнинг сақланиши ва кўчиши тенгламалари ҳисобланади. Биринчи бобнинг учинчи параграфда Шваб-Зельдович функциялари ва нисбий-ошиғич концентрацияларни киритиш усули тақдим этилган. Реакция тезлигининг чексиз катта қиймати ҳолида улар  $N$  тенгламаларни битта эквивалент тенгламага алмаштириш имконини беришади. Ишда Аррениус қонуни ва кимёвий мувозанат ҳолатлари учун Шваб-Зельдович функцияларидан


фойдаланиш вариантлари келтирилган. Биринчи ҳолда иккита дифференциал тенглама ечилади, иккинчи ҳолда эса концентрацияларга нисбатан битта дифференциал тенглама ва битта трансцендент тенглама ечилади.

Муаммонинг ўрганилганлик ҳолати таҳлили ва газ ёниши соҳасидаги долзарб муаммолардан келиб чиққан ҳолда тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилди.

Диссертациянинг иккинчи боби "Ўққа нисбатан симметрик турбулент струяда пропан-бутан аралашмасининг диффузион ёниши ҳисобининг сонли усули" деб номланган. Унинг биринчи параграфида масаланинг физик ва математик қўйилиши берилган.

Струяли ёнувчи газ диаметри  $2a$  га тенг бўлган кувурдан  $u_2$  тезлик билан оқиб чиқаяпти ва тезлиги  $u_1$  бўлган йўлдош оқимда тарқалаёпти.

Объектнинг схематик кўриниши 1-расмда берилган.



1-расм. Струяли аланганинг схематик кўриниши

Алоҳида киритилаётган газ аралашмаларининг ҳар бири ўз таркибига ва теплофизик хусусиятларига эга. Ёқилғи газ ҳаво таркибидаги кислород билан реакцияга киришади. Ёниш тезлиги жуда катта деб ҳисобланади, шу туфайли ёқилғи соҳасига кислород крмайди ва ҳаво таркибидаги кислород ёнувчи аралашманинг соҳасига ўта олмайди.

Кимёвий жихатдан пассив газлар конвектив кўчади ва бошқа компоненталар билан диффузияга киришади.

Ёниш жараёни кайтаримсиз брутто-реакциянинг стехиометрик тенгламаси шаклида моделлаштирилди:



Масаланинг математик моделини шакллантиришда турбулент ёпишқоқликнинг кинематик коэффициенти Л.Прандтлнинг янги гипотезасини қўллаш асосида топилди ( $m^2 c^{-1}$ ):

$$v_t = \chi b(x) |u_{\max} - u_{\min}|_x, \quad (1)$$

бу ерда  $b(x)$  – струянинг  $x$  кесимдаги, ўқдан бошлаб ҳисобланган кенглиги;  $u_{\max}, u_{\min}$  – тезлик векторининг бўйлама компонентасининг  $x$  кесимдаги энг катта ва энг кичик қийматлари.

Ўзаро аралашаётган оқимларнинг киришдаги умумий чегараларида кўрсаткичларнинг тангенциал узилиши ва иссиқлик, масса кўчиши соҳасида юқори ҳароратли аланга фронти мавжудлиги ушбу соҳада оқимнинг турбулентлигидан далолат беради. Газлар ҳаракатида оқимнинг асосий йўналиши мавжудлиги туфайли жараёни тавсифлаш учун турбулент чегаравий қатламнинг тенгламаларидан ( $Le_i=1$  шarti билан) фойдаланиш мумкин:

$$\left\{ \begin{array}{l} \rho u \frac{\partial u}{\partial x} + \rho \vartheta \frac{\partial u}{\partial r} = -\frac{dp}{dx} + \frac{1}{r} \frac{\partial}{\partial r} \left( \rho \nu_t r \frac{\partial u}{\partial r} \right), \\ \frac{\partial(\rho u r)}{\partial x} + \frac{\partial(\rho \vartheta r)}{\partial r} = 0, \\ \rho u \frac{\partial H}{\partial x} + \rho \vartheta \frac{\partial H}{\partial r} = \frac{1}{Pr r} \frac{\partial}{\partial r} \left( \rho \nu_t r \frac{\partial}{\partial r} \left( H - (1 - Pr) \frac{u^2}{2} \right) \right), \\ \rho u \frac{\partial c_k}{\partial x} + \rho \vartheta \frac{\partial c_k}{\partial r} = \frac{1}{Sc r} \frac{\partial}{\partial r} \left( \rho \nu_t r \frac{\partial c_k}{\partial r} \right) + \omega_k \quad (k=1..N); \end{array} \right. \quad (2)$$

Бу ерда  $u, v$  – тезликнинг бўйлама ва радиал ўқлар бўйича ташкил этувчилари ( $m \text{ c}^{-1}$ );  $x, r$  – бўйлама ва радиал координаталар ( $m$ );  $\rho, T$  – газ зичлиги ( $kg \text{ m}^{-3}$ ) ва абсолют ҳарорати ( $K$ );  $p$  – босим ( $Pa$ );  $Pr, Sc$  – Прандтль ва Шмидт турбулентлик сонлари;  $c_k$  –  $k$ -компонентанинг масса концентрацияси ( $kg \text{ kg}^{-1}$ );  $\omega_k$  – ёнишнинг масса бўйича тезлиги ( $kg \text{ m}^{-3} \text{ c}^{-1}$ ).

Газ аралашмаси мукамал деб фараз қилинади, шунинг учун Менделеев-Клапейрон унинг ҳолати тенгламасини қаноатлантиради

$$p = \rho R_0 T / m, \quad (3)$$

бу ерда  $m = \left( \sum_{k=1}^N c_k / m_k \right)^{-1}$  ва  $m_k$  – газ аралашмаси ва  $k$ -газ компонентаси моляр массалари ( $kg \text{ моль}^{-1}$ );  $R_0$  – универсал газ доимийси  $8.341 \text{ Ж моль}^{-1} \text{ K}^{-1}$ .

Газ аралашмасининг тўла энтальпияси ( $Ж \text{ kg}^{-1}$ )ни қуйидагича ифодалаймиз:

$$H = c_p T + \frac{U^2}{2} + \sum_{k=1}^N c_k h_k^*, \quad (4)$$

бу ерда  $c_p = \sum_{k=1}^N c_{pk} c_k$  ва  $c_{pk}$  – газ аралашмаси ва  $k$  – компонентанинг ўзгармас босим ҳолидаги солиштирма иссиқлик сиғими ( $J \text{ кг}^{-1} \text{ K}^{-1}$ );  $U^2/2 \approx u^2/2$  – чегаравий қатлам назарияси яқинлашувида бирлик масса газ аралашмасининг кинетик энергияси;  $h_k^*$  – экзотермик реакцияда  $k$  -компонентадан ажралиб чиқаётган иссиқлик миқдори ( $J \text{ кг}^{-1}$ ).

Струя соҳасига  $x=0$  киришдаги чегаравий шартлар куйидагича шакллантирилди:

$$0 \leq r \leq a: u(0,r) = u_2, \quad T(0,r) = T_2, \quad c_k(0,r) = (c_k)_2;$$

$$a < r \leq r_\infty: u(0,r) = u_1, \quad T(0,r) = T_1, \quad c_k(0,r) = (c_k)_1.$$

$x > 0$  да струя ўқида симметрия шартлари:

$$\frac{\partial u(x,0)}{\partial r} = 0, \quad \frac{\partial T(x,0)}{\partial r} = 0, \quad \frac{\partial c_k(x,0)}{\partial r} = 0, \quad v(x,0) = 0,$$

струя чегараси  $r=b(x)$  да эса йўлдош оқимнинг кўрсаткичлари кабул қилинди:

$$u(x,r) = u_1, \quad T(x,r) = T_1, \quad c_k(x,r) = (c_k)_1.$$

Тўлиқ энтальпиянинг чегаравий шартлари (4) формула бўйича аниқланди.

Иккинчи параграфда диффузион ёниш учун компоненталарнинг сақланиш тенгламаларини ягона тенгламага олиб келиш усули ёритилган.

Ёқилғи аралашмада пропан ва бутан концентрациялари тенг миқдорда олинган, деб ҳисоблаймиз. Бундай ҳолда жараённинг стехиометрик тенгламасини куйидагича ёзиш мумкин:



бу ерда стехиометрик коэффициентлар  $v_1 = 5.75$ ,  $v_2 = 1$ ,  $v_3 = 3.5$ ,  $v_4 = 4.0$  моль кислород, ёқилғи газ, углерод оксиди ва сув буғи учун олинган,  $h_2^* = 45000 \text{ кЖ/кг}$ . Бундан ташқари бешинчи компонента – молекуляр азот  $N_2$  ҳам мавжуд ва у кимёвий пассив компонента ҳисобланади.

Компоненталар сақланиш тенгламаларини қисқача кўринишда ёзиш мумкин:

$$L(c_k) = \omega_k \quad (k=1..5), \tag{5}$$

бу ерда  $L(c_k) = \rho u \frac{\partial c_k}{\partial x} + \rho v \frac{\partial c_k}{\partial r} - \frac{1}{Sc r} \frac{\partial}{\partial r} \left( \rho v_i r \frac{\partial c_k}{\partial r} \right)$  – ўз аргументи –  $k$  -

компонентанинг масса концентрацияси  $c_k$  га нисбатан чизиқли ва бир жинсли оператор.

Кимёвий реакция тезликлари учун куйидаги муносабатлар ўринли:

$$\begin{aligned} \omega_3 v_k m_k + \omega_k v_3 m_3 &= 0 \quad \text{при } k=1,2; \\ \omega_3 v_k m_k - \omega_k v_3 m_3 &= 0 \quad \text{при } k=4; \end{aligned} \tag{6}$$

бу ерда  $\omega_1, \omega_2 \leq 0$ ,  $\omega_3, \omega_4 \geq 0$ .

(6) формула асосида Шваб-Зельдович функциялари

$$\tilde{c}_k = \begin{cases} c_3 \nu_k m_k + c_k \nu_3 m_3 = 0 & \text{при } k = 1, 2; \\ c_3 \nu_k m_k - c_k \nu_3 m_3 = 0 & \text{при } k = 4, \end{cases} \quad (7)$$

киритилса, компоненталар сақланиши (5) тенгламалари  $k = 1, 2, 4$  лар учун қуйидагича шаклга келади:

$$L(\tilde{c}_k) = 0. \quad (8)$$

$\omega_5 = 0$  бўлганлиги туфайли инерт газ концентрацияси тенгламаси ҳам  $L(c_5) = 0$  шаклга келади. Яъни, беш компонента концентрациялари учун тўртта дифференциал тенгламадан фойдаландик. Етишмаётган тенглама диффузион ёниш модели гипотезаси билан алмаштирилади.

Жорий  $\tilde{c}_k$  функциянинг чегаравий шартлари шакллантирилди ва  $k = 1, 2, 4$  ва 5 учун нисбий-ошиғич функция киритилди:

$$\tilde{C} = \frac{\tilde{c}_k - (\tilde{c}_k)_1}{(\tilde{c}_k)_2 - (\tilde{c}_k)_1} = \frac{c_5 - (c_5)_1}{(c_5)_2 - (c_5)_1}. \quad (9)$$

$k = 1, 2, 4$  ва 5 компоненталар учун (5) тенгламага эквивалент тенглама  $L(\tilde{C}) = 0$  эканлиги исботланди ва аланга фронтининг ўрнини аниқлаш учун

$\tilde{C}^* = \left[ 1 + \frac{(c_2)_2 \nu_1 m_1}{(c_1)_1 \nu_2 m_2} \right]^{-1}$  формула олинди. Модель гипотезасига кўра, ёқилғи соҳасида оксидловчи бўлмаслиги ва оксидловчи соҳасида ёқилғи газ бўлмаслигини ҳисобга олиб, компоненталарнинг концентрацияларини топиш учун формулалар келтириб чиқарилди.

Учинчи параграфда характерли  $a, u_2, H_2, \rho_2$  қийматлар ёрдамида ўлчовсиз катталикларга ўтилди:  $\bar{x} = \frac{x}{a}, \bar{y} = \frac{y}{a}, \bar{u} = \frac{u}{u_2}, \bar{v} = \frac{v}{u_2}, \bar{\varepsilon} = \frac{\varepsilon}{au_2}$ ,

$\bar{H} = \frac{H}{H_2}, \bar{\rho} = \frac{\rho}{\rho_2}, \bar{T} = \frac{T}{T_2}, \bar{p} = \frac{p}{\rho_2 u_2^2}, \bar{h}_2^* = \frac{h_2^*}{H_2}$  ва Мизес ўзгарувчилари киритилди.

Бу ҳолда тенгламалар қуйидаги кўринишда ёзилди (ўлчовсизлик белгиси катталиклар устидаги чизиқлар ташлаб юборилди):

$$\begin{cases} \rho u \frac{\partial u}{\partial x} + \rho \vartheta \frac{\partial u}{\partial r} = -\frac{dp}{dx} + \frac{1}{r} \frac{\partial}{\partial r} \left( \rho \nu_t r \frac{\partial u}{\partial r} \right), & \frac{\partial(\rho u r)}{\partial x} + \frac{\partial(\rho \vartheta r)}{\partial r} = 0, \\ \rho u \frac{\partial H}{\partial x} + \rho \vartheta \frac{\partial H}{\partial r} = \frac{1}{Pr r} \frac{\partial}{\partial r} \left( \rho \nu_t r \frac{\partial}{\partial r} \left( H - (1 - Pr) \frac{\gamma - 1}{2} M_2^2 u^2 \right) \right) \\ \rho u \frac{\partial \tilde{C}}{\partial x} + \rho \vartheta \frac{\partial \tilde{C}}{\partial r} = \frac{1}{Sc r} \frac{\partial}{\partial r} \left( \rho \nu_t r \frac{\partial \tilde{C}}{\partial r} \right). \end{cases}$$

Газ аралашмасининг ҳолат тенгламаси қуйидагича бўлди:  $\bar{\rho} = \frac{m}{(m)_2 \bar{T}}$ .

Мизес алмаштиришлари оқим функцияси  $\psi$  орқали киритилди:

$$\rho u r = \psi \frac{\partial \psi}{\partial r}, \quad \rho \vartheta r = -\psi \frac{\partial \psi}{\partial r}.$$

Ҳисоблаш учун зарур бўлган кўндаланг координатанинг қиймати  $\frac{r^2}{2} = \int_0^\psi \frac{\psi d\psi}{\rho u}$  формуладан топилади.  $(x, r)$  координаталардан  $(\xi, \psi)$

координаталарга ўтишда қуйидаги формулалардан фойдаланилди:

$$\frac{\partial}{\partial x} = \frac{\partial}{\partial \xi} + \frac{\partial \psi}{\partial x} \frac{\partial}{\partial \psi} = \frac{\partial}{\partial \xi} - \frac{r}{\psi} \rho \vartheta \frac{\partial}{\partial \psi}, \quad \frac{\partial}{\partial r} = \frac{\partial \psi}{\partial r} \frac{\partial}{\partial \psi} = \frac{r}{\psi} \rho u \frac{\partial}{\partial \psi}.$$

Саккиз тенгламали система ўрнига қуйидаги система қурилди:




$$\begin{cases} \frac{\partial u}{\partial \xi} = \frac{1}{\psi} \frac{\partial}{\partial \psi} \left[ \frac{\rho^2 v_r u}{\psi} \left( 2 \int_0^\psi \frac{\psi d\psi}{\rho u} \right) \frac{\partial u}{\partial \psi} \right], \\ \frac{\partial H}{\partial \xi} = \frac{1}{\text{Pr} \psi} \frac{\partial}{\partial \psi} \left[ \frac{\rho^2 v_r u}{\psi} \left( 2 \int_0^\psi \frac{\psi d\psi}{\rho u} \right) + \frac{\partial}{\partial \psi} (H - f u^2) \right], \\ \frac{\partial \tilde{C}}{\partial \xi} = \frac{1}{\text{Sc} \psi} \frac{\partial}{\partial \psi} \left[ \frac{\rho^2 v_r u}{\psi} \left( 2 \int_0^\psi \frac{\psi d\psi}{\rho u} \right) \frac{\partial \tilde{C}}{\partial \psi} \right]. \end{cases}$$

Бу ерда  $f = (1 - \text{Pr}) \frac{\gamma - 1}{2} M_2^2$ .


Тўртинчи параграфда масалани ечишнинг сонли усули ва алгоритми келтирилган. Масалани Мизес координаталарида ечиш учун бўйлама координата бўйлаб биринчи тартибли ва кўндаланг координата бўйлаб иккинчи тартибли аниқликни таъминловчи икки қатламли, тўрт нуқтали ошқормас чекли-айирмали схемадан фойдаланилди. Субстанциялар сақланиши ва кўчиши тенгламалари чизиқли бўлмаганлиги ва струянинг чегараси ва аланга шакли номаълум бўлганлиги туфайли итерация жараёни ташкил этилди. Сонли интеграллаш қадамлари ҳисоблаш жараёнининг яқинлашувчанлигини таъминлайдиган даражада танланди.

Бешинчи параграфда диффузион ёниш бўйича сонли тажриба натижалари ва уларнинг таҳлили келтирилган. Ҳавонинг масса таркиби қуйидаги кўринишда олинди:  $(c_1)_1 = 0.232$ ,  $(c_5)_1 = 0.768$ . Ёқилғи аралашмаси пропан-бутан аралашмаси ва азотни ўз ичига олди. Асосий оқим тезлиги 60 м/с ( $M_2 \approx 0$ ), йўлдош оқимники – 18.3 м/с. Ҳаво ҳарорати –  $T_1 = 297 \text{ K}$ , ёқилғи аралашмасиники –  $T_2 = 600 \text{ K}$ , ёқилғи соплосининг радиуси – 0.001 м.

2-расмда турли кесимлар учун  $(c_2)_2 = 0.120$  бўлган ҳолда олинган реагентлар ва ёниш маҳсулотларининг концентрациялари келтирилган. Бу ҳолда аланга жойлашиш ўрни  $\tilde{C} = \tilde{C}^*$  ( $= 0.349348$ ) тенгликдан аниқланди. Аланга фронтида ҳарорат 2144.93 K га тенг.



**2-расм. Реагентлар ва ёниш маҳсулотлари масса концентрациялар эгри чизиқлари  $\bar{x} = 8.0, 16.0$  и  $24.0$ .  $(c_2)_2 = 0.120$**



**3- расм.  $\bar{x} = 8.0, 16.0$  ва  $24.0$ , кесимлардаги ўлчамсиз ҳароратнинг ўзгариши.  $(c_2)_2 = 0.120$  да олинган**

Олтинчи параграфда  $k - \varepsilon$  турбулентлик модели

$$\begin{cases} \rho u \frac{\partial k}{\partial x} + \rho \vartheta \frac{\partial k}{\partial r} = \frac{1}{\delta_k r} \frac{\partial}{\partial r} \left( \rho r v_t \frac{\partial k}{\partial r} \right) + G - \rho \varepsilon, \\ \rho u \frac{\partial \varepsilon}{\partial x} + \rho \vartheta \frac{\partial \varepsilon}{\partial r} = \frac{1}{\delta_\varepsilon r} \frac{\partial}{\partial r} \left( \rho r v_t \frac{\partial \varepsilon}{\partial r} \right) + \dot{c}_1 \frac{\varepsilon}{k} G - \dot{c}_2 \rho \frac{\varepsilon^2}{k}. \end{cases} \quad (12)$$

ёрдамида ўққа нисбатан симметрик струяда метаннинг диффузион ёнишига доир сонли натижалар келтирилган.

Бу ерда  $v_t = \frac{c_\mu k^2}{\varepsilon}$ ,  $G = 4\rho v_t \left( \frac{\partial u}{\partial r} \right)^2$ ,  $\dot{c}_1 = 1.44$ ,  $\dot{c}_2 = 1.92$ ,  $c_\mu = 0.09$ ,  $\delta_k = 1$ ,


$\delta_\varepsilon = 1.3$ ,  $k$  – бирлик массали газ пульсацион ҳаракатининг кинетик энергияси;  $\varepsilon$  – турбулентлик энергиясининг диссипация тезлиги. Киришдаги маълумотлар қуйидагича олинди:  $k = 0.007u^2$ ,  $\varepsilon = \frac{0.001k^2}{0.3}$ ,  $v_t = \frac{c_\mu k^2}{\varepsilon}$ .

Компоненталарнинг моляр массалари  $m_1 = 32.000$ ,  $m_2 = 16.043$ ,  $m_3 = 44.011$ ,  $m_4 = 18.020$ ,  $m_5 = 28.016$  г/моль га тенг, брутто-реакция




учун стехиометрик коэффициентлар қийматлари  $\nu_1 = 2$ ,  $\nu_2 = 1$ ,  $\nu_3 = 1$ ,  $\nu_4 = 2$ ,  $\nu_5 = 0$  моль. Ёнувчи газ таркибига метан ва азот кирган. Объектнинг қолган кўрсаткичлари олдинги параграфдаги каби қабул қилинди. 4-расмда ўқдаги

оқим тезлигининг ўзгариши турбулентликнинг икки модели ва тажриба натижалари билан таққосланган.



**4-расм.** Ўлчовсиз бўйлама тезликнинг ўқдаги қийматининг ўзгариши  
 $T_1 = 297\text{ K}$ ,  $T_2 = 600\text{ K}$ ,  $u_2 = 61\text{ м/с}$



**5-расм.**  $T_1 = 600\text{ K}$ ,  $T_2 = 300\text{ K}$  бўлган ҳолда метан диффузион ёнишида изотермалар майдони

Ҳисоб-китоблар кўрсатишича, ёқилғи газнинг ҳарорати ортиши билан аланганинг узунлиги камаяди ва ҳарорати ортади; ҳаво ҳароратининг ошиши аланганинг узайишига олиб келади. Хусусий ҳолда,  $T_1 = 600\text{ K}$ ,  $T_2 = 300\text{ K}$  да максимал ҳарорат  $T^* = 3078.43\text{ K}$  га, аланга узунлиги  $224.9a$  га тенг (5-расм).  $T_1 = 400\text{ K}$ ,  $T_2 = 300\text{ K}$  ҳолида  $T^* = 2910.44\text{ K}$  ва  $203.7a$  олинди.

Диссертациянинг учинчи боби "Метаннинг ўққа нисбатан симметрик йўлдош турбулент струяда тарқалиши ва чекли тезликда ёнишини ҳисоблашнинг сонли усули" тўрт параграфдан иборат.

Бобнинг биринчи параграфида  $k-\varepsilon$  турбулентлик модели ёрдамида ўққа нисбатан симметрик струяда метаннинг чекли тезликдаги реакцияси масаласининг математик модели тавсифланган. Метан-ҳаво аралашмаси диаметри  $2a$  бўлган доиравий соплодан чиқади ва кимёвий реакциянинг чекли тезлигида йўлдош ҳаво оқимида тарқалади.

Объектни моделлаштириш учун (2), (12) тенгламалардан, мос тўлдирувчи муносабатлар ва чегаравий шартлардан фойдаланилди.

Бобнинг иккинчи параграфида кимёвий реакциянинг чекли тезлиги учун Шваба-Зельдович нисбий-ошиғич функциясини киритиш усули келтирилган. [Фролов ва шогирдлари ] га кўра, метаннинг кислород билан реакцияси тезлиги қуйидагича олинди:

$$\omega_2 = -An_1^2 n_2 \exp\left(-\frac{E_a}{RT}\right), \text{ бу ерда } A = 1.35 \cdot 10^{20},$$

$E_a = 3.00 \cdot 10^4$ ,  $n_1, n_2$  – оксидловчи ва ёнилғи газларнинг ҳажмий концентрациялари. Умумлашган Шваб-Зельдович функциясини киритиб, компоненталар сақланишининг беш тенгламалари (5) системаси иккита тенгламага олиб келинди. Ёниш тезлиги товуш тезлигидан анча паст бўлган оқим соҳасида амалга оширилади. Шунинг учун тўлиқ энтальпияни



ифодалашда газнинг кинетик энергияси инобатга олинмайди. У ҳолда концентрациялар тенгламалари учун киритилган алмаштиришни тўлиқ энтальпия учун ҳам фойдаланиш мумкин ва бу қадам умумий энтальпияни нормалаштиришга олиб келади:

$$\tilde{H} = \frac{H - H_1}{H_2 - H_1} = \tilde{C}.$$

$$\text{Бу ерда } H_1 = (c_p)_1 T_1 + (c_2)_1 h_2^*, \quad H_2 = (c_p)_2 T_2 + (c_2)_2 h_2^*.$$

Бу ҳолда газ аралашмасининг температура ва зичлик қийматлари куйидаги формулалар ёрдамида ҳисобланади:


$$T = (H - c_2 h_2^*) / c_p = \left[ H_1 + (H_2 - H_1) \tilde{H} - c_2 h_2^* \right] / \sum_{n=1}^N c_{pn} c_n, \quad \rho = \frac{P}{R_0 T \sum_{n=1}^N c_n / m_n}.$$

Учинчи параграфда Мизеснинг ўлчовсиз ўзгарувчиларига ўтилди, тенгламалар ва шартларни дискретлаш амалга оширилди. Умумлашган Шваб-Зельдович функциясини ва Мизес ўзгарувчиларини киритиш натижасида ўнта дифференциал тенгламалар уларга эквивалент бўлган бешта тенглама билан алмаштирилди.

Тўртинчи параграфда алоҳида масаланинг ҳисоблаш натижалари келтирилган. Соф метан ёқилғи сифатида қабул қилинган. Асосий оқим тезлиги 61 м/с, ҳаво оқими – 18.3 м/с га тенг. Ҳаво ва ёқилғи аралашмаси ҳарорати –  $T_1 = T_2 = 293.15 \text{ K}$ , соплó радиуси  $a = 0.01 \text{ м}$ .

Ҳар бир ҳисоблаш Ansys Fluent 6.3 дастурий муҳитида такрорланди ва икки натижалар солиштирилди.

Компоненталар масса концентрацияларининг типик тақсимотлари олинади. 6-расмда  $x/a = 5$  да уларнинг таққосланиши кўрсатилди.




6-расм. Компоненталар масса концентрацияларининг  $x/a = 5$  даги графиклари


Тўртинчи боб "Метаннинг ёниш билан кечадиган струяли оқимида иссиқлик ва масса узатиш жараёнларига алоҳида омиллар таъсирини ўрганиш бўйича ҳисоблаш тажрибаси" уч параграфдан иборат. Метан якка струясининг йўлдош ҳаво оқимидаги хусусиятларини тизимли ўрганиш мақсадида ушбу бобда кенг кўламли ҳисоблаш тажрибалари ўтказилди. Компиляция қилинган дастурий воситадан ёқилғи диаметри, метан-ҳаво аралашмасининг бошланғич концентрацияси, ҳамда ҳаво ҳароратининг струя ва аланга параметрларига таъсирини ўрганиш учун фойдаланилди.

Биринчи параграфда ёнувчи газ сапоси диаметрининг струя параметрларига таъсири тадқиқ қилинди. Тўлиқ энтальпия, бўйлама тезлик, компоненталарнинг концентрациялари ва изотерма майдонлари сопло радиуси  $a$  нинг 0.05, 0.01, 0.005, 0.002, 0.001, 0.0005, 0.0002, 0.0001, 0.00005, 0.00002 м қийматлари учун олинди. Айти вақтда алоҳида киритилаётган ҳаво ва ёқилғи газ (метан)нинг тезлиги, таркиби ва ҳарорати III бобдагидек сақланиб қолинди.

7-расмда соплови радиусининг турли қийматларида струянинг муайян кесимида ёнмаган ёқилғи қисмини кўрсатувчи ёниш эгри чизиқлари келтирилган. Улар катта радиусларда ёқилғининг тўлиқроқ ёнишини кўрсатишди. Ҳисобларда аланганинг охири  $\tilde{N}_{ось} = 0.02$  шартдан аниқланди ва унга мос ёқилғи газнинг ёнмасдан қолган қисмининг сопло радиусига боғлиқлиги 8-расмда келтирилмоқда.



**7-расм. Соплонинг турли радиусларида ёқилғининг ёниш эгри чизиқлари**



**8-расм. Аланга охирида ёқилғи газнинг ёнмасдан қолган қисмининг сопло радиусига боғлиқлиги**


Бобнинг иккинчи параграфда киришдаги ҳаво ҳароратининг аланга ва струя параметрларига таъсири ўрганилди. Аланганинг аниқланган хусусиятлари асосан икки омил билан изоҳланди. Ҳаво ҳароратининг ошиши билан ёниш соҳасига киритилаётган газ сийраклашиб боради ва ҳавонинг зичлиги ва унга мос равишда реакцияга киришувчи кислороднинг ҳажми ҳам камаёди. Шу туфайли аланга узаяди ва ташландиқ газда ёқилғининг улуши ортади.

Учинчи параграфда ёнувчи газ сифатида метан-ҳаво аралашмаси қаралган. Ёқилғи учун ҳавонинг ортиқчалиги коэффициентининг аналогиси  $\alpha = V / V_0$ : ёқилғи билан киритилган ҳаво миқдори  $V$  нинг назарий жиҳатдан

тўлиқ ёниш учун зарур бўлган ҳаво миқдори  $V_0$  га нисбати киритилди. Метан-ҳаво аралашмасининг термо- ва газодинамик параметрларини  $\alpha$  коэффициент қийматига қараб аниқлайдиган формулалар олинди.

Қолган маълумотларни сақлаб қолган ҳолда ёқилғи соплоси радиусининг турли қийматлари ва  $\alpha = 0, 0.2, 0.8, 1.0, 1.2$  учун ҳисоблаш тажрибалари ўтказилди.

$\alpha$  коэффициент қийматининг ошиши билан ҳисоблаш соҳасидаги энг юқори ҳарорат камайиши (9-расм) ва шу туфайли ёнмасдан чиқиб кетадиган газнинг улуши ошиши аниқланди.



## ХУЛОСА

Кимёвий реакциялар кечадиган струяли оқимларнинг хусусиятларини ўрганиш учун ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқишга доир диссертация иши натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди.

Кимёвий ўзгаришли турбулент струяли оқимларни моделлаштириш ва сонли ечишга бағишланган ишларнинг таҳлили ўтказилган ва унинг асосида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Кимёвий ўзгаришларнинг уч модели: Бурке-Шуман-Шваб-Зельдович, кимёвий мувозанат ва Аррениус қонуни бўйича реакциянинг чекли тезлиги моделлари учун Шваб-Зельдович функциялари ва уларнинг умумлашмаларини киритишнинг хусусиятлари аниқланди. Улардан фойдаланиш  $N$  та компонента учун дифференциал тенгламаларни кам сонли эквивалент тенгламаларга алмаштириш имконини берди: биринчи икки модель учун улар ягона тенгламага, учинчи модель учун иккита тенгламага олиб келинган.

Ўққа нисбатан симметрик струя учун кўп компонентали газнинг турбулент чегаравий қатлами тенгламалари шакли ўлчамсиз ўзгарувчиларга ўтиш ва оқим функциясини (Мизес ўзгарувчилар) киритиш билан соддалаштирилган ва уларни ечиш учун сонли усуллар ишлаб чиқилган.

Чизиқли интерполяция усулини қўллаб, Мизес координатларида жадвал кўринишида берилган функцияни физик координатларда ўзгармас кадам билан ифодалаш усули ишлаб чиқилди.

Прандтлнинг модификация қилинган турбулентлик ва ёнишнинг Бурке-Шуман-Шваб-Зельдович моделлари асосида ўққа нисбатан симметрик турбулент чексиз йўлдош струяда метаннинг диффузион ёниши масаласини тадқиқ қилиш учун сонли усул, алгоритм ва дастурий маҳсулот ишлаб чиқилди.

Турбулент оқимда диффузион ёниш учун  $Pr = Sc_i$  ҳолида Шваб-Зельдович функцияси, нисбий ошиғич катталиклар ва Мизес ўзгарувчиларига ўтиш орқали субстанциялар кўчишининг 8 тенгламалари иккита тенгламага олиб келинган. Ёқилғи таркибига инерт газни кўшиш йўли орқали диффузион аланга параметрларини бошқариш услуги кўрсатилган: кимёвий пассив газ концентрациясининг оширилиши аланга узунлигининг қисқаришига ва ундаги ҳароратнинг камайишига олиб келиши аниқланди.

Турбулентликнинг к-е модели ва Аррениус қонуни асосида чексиз йўлдош ҳавонинг ўққа нисбатан симметрик турбулент струяси метаннинг чекли тезликда ёниши масаласининг математик ва сонли моделлари ишлаб чиқилди. Шваб-Зельдовичнинг оддий ва умумлашган функциялари ва оқим чизиғи функциясини киритиш орқали субстанциялар сақланишининг 10 дифференциал тенгламалари уларга эквивалент бўлган 5 дифференциал тенглама билан ифодаланди.

Аррениус қонунига асосида ёниш масаласини сонли ечиш учун координаталар бўйича иккинчи тартибли аниқликка эга аппроксимация схемасидан фойдаланилди. Бу эса бўйлама координата учун йирик қадамдан фойдаланиш ва ҳисоблаш вақтни анча камайитириш имконини берди.

Ёқилғи соплоси радиуси, ёқилғи аралашмадаги ҳаво улуши ва ҳаво ҳарорати омилларининг ўққа нисбатан симметрик струя ва аланга кўрсаткичларига таъсири ҳисоблаш тажрибаси асосида ўрганилди. Бу кўрсаткичларнинг камайиши газ ҳароратнинг энг катта қийматининг пасайишига, ёнмай қолган ёқилғи миқдорининг ортишига ва газ ёқувчи қурилма фойдали иш коэффициентининг камайишига олиб келиши аниқланди.

Иш натижалари мураккаб объектларни моделлаштириш бўйича фундаментал грантни бажаришда ва юқори фойдали иш коэффициентига эга қурилмаларни ишлаб чиқишда қўлланилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.T/FM.61.01 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ  
МЕХАНИКИ И СЕЙСМОСТОЙКОСТИ СООРУЖЕНИЙ**

---

**ИНСТИТУТ МЕХАНИКИ И СЕЙСМОСТОЙКОСТИ СООРУЖЕНИЙ**

**Хамдамов Музаффар Мухиддинович**

**ЧИСЛЕННЫЕ АЛГОРИТМЫ РАСЧЕТА ТУРБУЛЕНТНЫХ  
СТРУЙНЫХ ТЕЧЕНИЙ РЕАГИРУЮЩИХ ГАЗОВ**

01.02.05 – Механика жидкости и газа

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2021**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.2.PhD/FM356.**

Диссертация выполнена в Институте механики и сейсмостойкости сооружений им. М.Т. Уразбаева Академии наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета ([www.instmech.uz](http://www.instmech.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** **Хужаев Исматулла Кушаевич**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Фатхулов Алишер Мирзатиллоевич**  
доктор технических наук, доцент

**Файзиев Раббим Аликулович**  
кандидат физико-математических наук, профессор

**Ведущая организация:** **Самаркандский государственный университет**

Защита диссертации состоится «14» июль 2021 г. В 14 часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.T/FM.61.01 при Институте механики и сейсмостойкости сооружений. (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Дурмон йули, 33, зал заседаний-1. Тел.(99871) 262-71-52; факс: (99871) 262-71-32, e-mail: [instmech@academy.uz](mailto:instmech@academy.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института механики и сейсмостойкости сооружений (зарегистрирована за № 8). (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Дурмон йули, 33. Тел.(99871) 262-71-52).

Автореферат диссертации разослан «28» июнь 2021 года.  
(реестр Протокола рассылки № 4 от «28» июнь 2021 года.)



**М.М.Мирсаидов**  
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор, академик АН РУз

**М.К. Усаров**  
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., с.н.с.

**З.М.Маликов**  
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире струйные течения реагирующих сред широко используются в быту, при выработке тепловой и электрической энергии, в камерах внутреннего сгорания, в химических лазерах, в процессах производства ртути и строительных материалов, в силовых установках ракетных двигателей и многих других отраслях техники и производства. В зависимости от цели организации и конструкции устройств сжигания газа возникают различные проблемы управления объектом. В частности, газовая составляющая в мировом энергетическом балансе занимает около 70%. Несмотря на постоянное улучшение показателей устройств сжигания газа, их КПД все еще очень низкий.

В мире, в силу расширения направлений и масштабов внедрения, продолжают широко масштабные исследования течений реагирующих систем. Незаменимым инструментом при изучении различных способов организации процесса сжигания топлива и управления ими являются математическое моделирование и вычислительный эксперимент. Адекватно построенные математическая модель и численные алгоритмы являются неотъемлемыми составляющими сегодняшнего развития методов познания объектов и управления ими. Математическое моделирование течений реагирующих систем динамично развивается за счет появления новых моделей турбулентности и химических реакций, эффективных численных методов и быстродействующей, мощной вычислительной техники. Реализация этих возможностей при решении многомерных полных уравнений Навье-Стокса и их упрощенных аналогов способствует успешному решению задач сложного тепло-и массообмена, в частности, применительно к задачам сжигания газов в струйных течениях.

В нашей стране большое внимание уделяется развитию различных национальной экономики. В Стратегии действий по развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы отмечены задачи: «... производство ..., техническое и технологическое обновление ..., дальнейшая модернизация и диверсификация отрасли путем перехода к высоко технологической переработке местного сырья с высокой добавленной стоимостью, ... сокращение потребления энергии и ресурсов в экономике, внедрение энергосберегающих технологий»<sup>1</sup>. Ведутся работы по построению атомных и гидравлических электростанций, полигонов по выработке энергии с использованием солнечной радиации и силы ветра, по реконструкции существующих электростанций. Важна также задача усовершенствования бытовых устройств и систем децентрализованного теплоснабжения, которые употребляют 40% выработанного в республике природного газа и имеют

---

<sup>1</sup>Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

достаточно низкий КПД. Данная проблема является общей и актуальной для стран, где используются горючие газы.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит осуществлению задач, определенных Указом Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлением Президента Республики Узбекистан № ПП-2789 от 3 октября 2018 года «Совершенствование системы государственного управления в сфере экологии и охраны окружающей среды» и другими нормативно-правовыми документами, принятыми в этой области деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.** Работа выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан IV. «Математика, механика и информатика».

